# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 31 март, № 63 (6498) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 март куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлаб, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорлик бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлиб, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ва доимий алоқаларнинг узвий қисми эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда Германияни Европадаги йирик интеллектуал, иқтисодий, техник ва технологик салоҳиятга эга, халқаро майдонда нуфузли, глобал ва минтақавий масалаларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етакчи давлатлардан бири сифатида билади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда барқарор ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги кунда 130 дан ортиқ ҳужжатдан иборат мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва барча даражадаги муносабатлар учун ишончли механизм мавжуд.

Мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги 15 йилда Германиянинг 784 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялари ва кредитлари жалб этилган. Ўзбекистонда Германия Федератив Республикаси инвестицияси иштирокида 113 корхона, шундан 27 таси тўла Германия капитали асосида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда дунёга машҳур немис компаниялари Ўзбекистон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. “MAN” концерни билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида замонавий завод барпо этилган. Корхонада турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу автомобилларга хорижда ҳам талаб юқори. Германия саноатининг яна бир етакчиси — “CLAAS” концерни билан ташкил этилган қўшма корхонада замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йили ташкил этилган Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгашининг иккита мажлиси ўтгани савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради. Ушбу мажлислар доирасида Германиядан 2,85 миллиард долларлик технологиялар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланган.

Учрашувда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар, жумладан, маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантириш, таълимга оид қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ГФР ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Германия раҳбарияти ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## ЭЪТИРОФ

Италиянинг Ломбардия минтақасида “Apindustria” кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси томонидан ташкил этилган халқаро бизнес-форум доирасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва сармоявий салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди.

# Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти Италияда тақдим этилди

Мазкур тадбирда иштирок этган Италиянинг йирик компаниялари ва саноат корхоналари вакиллари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари билан яқиндан танишдилар. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, сармоявий муҳитни янада такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, кейинги йилларда ҳаётга татбиқ қилинаётган давлат дастурлари ҳақидаги маълумотлар ҳам чет эллик мутахассислар эътиборига ҳавола қилинди.

“Apindustria” кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси президенти Дуглас Сивьери Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиб бораётганини қайд этиб, республикамиз сармоявий салоҳияти юқори эканлигига алоҳида урғу берди. Унинг эътироф этишича, Италияда Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга бўлган қизиқиш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари орасида тобора кучаймоқда. Д. Сивьери мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарур эканлигини таъкидлади.

Анжуманда сўзга чиққан Италия бизнес доираларининг бошқа вакиллари ҳам мамлакатимизда, жумладан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналарида янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш учун қулай шарт-шароит, катта имкониятлар мавжудлигини аълоҳида қайд этишди. Қолаверса, Италиянинг “Marzoli” ва “Lonati” компаниялари Ўзбекистонга тўқимачилик ускуналарини етказиб бериш юзасидан шартномалар имзолашгани муваффақиятли йўлга қўйилган савдо-иқтисодий алоқаларнинг яна бир ёрқин намунаси сифатида тилга олинди.

Агросаноат жабҳаси ҳам маҳаллий ишбилармон доираларда катта қизиқиш уйғотди. Шу боис “Apindustria” кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси жорий йилда Тошкентда ўтказилиши мўлжалланган “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2016” XI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосида қатнашиш учун Италия компанияларининг сафарини ташкил этишни режалаштираётганини маълум қилди.

**«Жаҳон» АА.**
Рим

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор бўлган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Ана шу янгиланишлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг роли ҳамда иштироки тобора ошиб бораётгани, айниқса, эътиборга молик.

# Маҳалла сайлови – муҳим ижтимоий-сиёсий жараён

Бугунги кунда у илгари маҳаллий ҳокимият органлари зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ вазифани самарали тарзда бажариб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига энг муносиб фуқароларни сайлаш орқали маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш, унинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати май-июнь ойларида тугайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига кўра, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайлов ўтказилиши Сенат Кенгашининг мазкур қарори билан белгиланди. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланади. Шунинг ўзиёқ катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга мазкур тадбирга юқори даражада тайёргарлик кўришни талаб этади.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари томонидан бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мазкур қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишини ташкил этишни назарда тутувчи тегишли тадбирлар режаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тавсиялар тасдиқланиб, айни пайтда амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда. Фуқаролар йиғинлари сайлови қонунчилигининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича ҳам тизимли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

# ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 30 март куни Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашув бўлиб ўтди.*

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг турли йўналишлари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан учрашди. Университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди.

Франк-Вальтер Штайнмайер оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонга ташрифи доирасидаги музокаралар самарали ўтганини таъкидлади.

Шу куни Германия Бундестаги вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## саноат тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Юртимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни изчил татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, саноат корхоналарида юқори самарадорликка эришиш, кам харажат қилиб, кўп маҳсулот тайёрлаш имконини бераётир.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 июндаги “Халқаро Тараққиёт уюшмаси иштирокида “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар туфайли кимё, нефть-кимё, кон-металлургия, пахтани қайта ишлаш сингари иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидаги ишлаб чиқариш субъектларида энергия сарф-харажатларини камайтириш бўйича ижобий натижаларга эришилаяпти.

Куни кеча Иқтисодиёт вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган медиатур давомида бир гуруҳ журналистлар пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги саноат корхоналарида бўлиб, мазкур лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир асносида мутахассислар ОАВ вакилларига ишлаб чиқариш субъектларида двигателларни алмаштириш, қозонхона ва компрессор станцияларини янгилаш, ишни тартибга солувчи ускуналарни ўрнатиш каби жараёнларга йўналтирилган кредитларнинг тежамкорликка эришишдаги аҳамияти хусусида батафсил маълумот бердилар.

**(Давоми 2-бетда).**

# Журналистлар малака оширди

Урганч шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг ўрни ва ролига бағишланган ҳудудий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

## СЕМИНАР

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий Мажлис Сенати ҳамда “Маҳалла” фонди ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар иштирок этди. Икки кун давомида улар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнини ёритишга оид билим ҳамда тажрибаларини мустаҳкамлашди.

**(Давоми 2-бетда).**



# БАХТ МАНЗИЛИ

Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши ҳамда шу асосда қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ чуқур ўйланган, кенг қамровли вазифалардан иборат тадбирларни ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Зеро, зиммамизда мустақил мамлакатимиз фуқаролари танлаган мақсадларга олиб борувчи йўлнинг яна бир шонли босқичини муваффақиятли якунлаш масъулияти турибди. Бинобарин, бу эзгу мақсадлар ҳар биримизга аён, юрагимизга яқин. Қолаверса, юртдошларимизда янги кундан завқланиш, кўнгил хотиржамлиги, келажакка катта ишонч ҳисси мужассам. Аслида ҳам шундай. Чунки амалга оширилаётган ислоҳотлар, юз бераётган ўзгаришлар инсонпарварлик тамойилларига ва меҳр-муҳаббат туйғуларига йўғрилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонимизни БАХТ МАНЗИЛИга қиёсласак, асло муболаға эмас.

Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз тараққиётини мустаҳкамлаб, халқимиз турмуши янада фаровон, рўзғори обод бўлишини кафолатлайди. Ахир ёшу улуғларга, оналар ва болаларга, қўйингки, барча-барчага юксак меҳр ҳамда эътибор кўрсатилаётган азиз манзилда қувончу шодликлар бардавомдир.

Тонгда туриб, эзгу ниятлар билан ишга ёки ўқишга йўл олиш,

## ТАҚДИМОТ

оқшом вақти жонажон оила бағрига қайтиб, дастурхон атрофида жамулжам бўлиб, эришилган ютуқлар ҳақида суҳбатлашиш нақадар лаззатбахш. Ҳаёт ҳақида теран фикр юритиб, жамиятга, элу юртга нафингиз тегаётганини ҳис қилиш сизга куч-қувват, чексиз илҳом инъом этади. Ана шу инсоний саодат ҳамда Давлат дастурининг ҳаётбахш самаралари хусусида “БАХТ МАНЗИЛИ” махсус саҳифамизда танишиб борасиз.

4

# Маҳалла сайлови — муҳим ижтимоий-сиёсий жараён

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси фаолияти мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Сайловни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар кўмаклашувчи комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, жараённи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни йўлга қўйиш йўналишидаги чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат тўплам ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид намунавий ҳужжатлар мажмуи тайёрланиб, айни пайтда улар кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга етказиб берилаётганлигини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, Сенат Кенгаши кўмаклашувчи комиссияси томонидан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзуида видео-мулоқот шаклида республика семинари ўтказилди. Тадбир доирасида сайлов ташкилотчилари — сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарлар комиссиялари раислари ва аъзолари, маҳаллий ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимлари раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари сайловининг қонунчилик асослари, хусусан, кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар ваколатлари ҳақида кенг тушунтиришлар берилди. Айни кунларда бундай семинарлар ҳудудларда ҳам давом эттирилмоқда.

Сайловга тайёргарликнинг ҳозирги босқичида республика бўйича 9764 та ишчи гуруҳ тузиляпти. Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси, жойлардаги кўмаклашувчи комиссияларнинг энг асосий вазифаси уларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат бўлиб, бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир.

Шу ўринда ишчи гуруҳлар вазифалари хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, ишчи гуруҳ сайлов бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди. У белгиланган сана доирасида сайлов кунини белгилаб, бу ҳақда тегишли кўмаклашувчи комиссияга хабар беради. Сана, вақт ва жой, албатта, аҳоли учун қулай ҳолатлар ҳисобга олиниб, белгиланади. Сайловчилар учун қулайликлар яратиш ҳам кўзда тутилган, яъни сайлов шу ҳудуддаги замонавий, барча қулайликка эга биноларда ўтказилади.

Ишчи гуруҳ сайлов жараёнининг энг масъулиятли босқичи ҳисобланган фуқаролар вакилларини сайлаш бўйича ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг умумий йиғилишларини ташкил этади. Қолаверса, аҳоли ўртасида сайлов қонунчилиги бўйича тушунтириш ишлари олиб боради, фуқаролар вакилларини сайлайди, раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ҳақида таклиф тайёрлаш бўйича аҳоли фикрини ўрганади.

Ишчи гуруҳнинг умумий йиғилишларга пухта ҳозирлик кўриши талаб этилади. Кўчалар ва кўп қаватли уйлар аҳолиси билан ўтказиладиган умумий йиғилиш ишчи гуруҳ раиси ёки одамлар билан мулоқот қилиш салоҳиятига эга, сайлов қонунчилигини чуқур биладиган ишчи гуруҳ аъзоси раислигида бўлиб ўтади. Йиғилиш ўтказиладиган кун ва вақт шу кўчада яшовчилар учун қулай бўлишини ҳисобга олиб белгиланади, бу ҳақда ҳар бир хонадонга кўча, кўп қаватли уй бошлиқлари ёрдамида хабар берилади.

Шунингдек, ишчи гуруҳлар тегишли ҳудудда доимий яшовчи аҳолининг фикрларидан келиб чиқиб, тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди.

Қисқача айтганда, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови билан боғлиқ барча жараёнга бошқош бўлади. Бу улардан катта куч ва ғайратни, айни чоғда кўмаклашувчи комиссияларнинг ёрдамини талаб этади. Шу боис ҳозирги пайтда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг асосий диққат-эътибори ишчи гуруҳларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси сайлов жараёнида фуқаролар конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитни яратиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига тўла риоя этишларини таъминлаш, сайловга аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, бу тадбирларни ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини ёритиш бўйича ахборот-таҳлил ишини кучайтириш каби йўналишларда муайян чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юксак ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилидан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим омил ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни юқори савияда ташкил этиш ҳамда ўтказишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ҳар томонлама муносиб номзодлар сайланиши маҳалла институтининг фуқаролик жамияти институтлари тизимида тутган ўрнини мустаҳкамлайди ҳамда уларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**С. ОРТИҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари.**



# Бизнес лойиҳа имконияти

**Сирдарё**

Гулистон шаҳридаги "Барака текс" хорижий корхонаси вилоятдаги йирик экспортчи субъектлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, бу ерда пахта толасидан тайёрланаётган калава ипнинг барчаси хитойлик ҳамкорларга етказиб берилмоқда.

Хусусан, 220 кишилик жамоа томонидан ўтган йили 2,5 миллион АҚШ долларилик ташқи савдо амалиёти бажарилди.

Корхона мутахассисларининг билдиришича, яқинда ишлаб чиқариш қувватлари янада ортади. Яъни ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланаётган 3 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳага мувофиқ, маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўсиши баробарида, унинг сифати ошиши ҳам кутилмоқда. Ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринлари вужудга келади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янги завод ишга туширилди

**Сурхондарё**

Ангор туманидаги "Толлошқон инвест" хусусий корхонаси томонидан йилига 2 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга завод ишга туширилди.

Коллеж битирувчиларидан 10 нафари жалб этилган ушбу корхонада тайёрланаётган сифатли деворбоп материалларга талаб ортиб бормоқда.

— Мазкур бизнес-режани амалга оширишда банкнинг 60 миллион сўмлик кредити қўл келди, — дейди тадбиркор Исмат Рўзиев. — Ана шу маблаққа ўз сармоямизни ҳам қўшиб, корхонани замонавий, иш унуми юқори ва тежамкор технология билан жиҳозладик. Бу маҳсулот таннархи арзонлашишида муҳим аҳамият касб этаётир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кўп тармоқли фермер хўжалиги

**Жиззах**

Ғаллаорол туманидаги "Тождор" фермер хўжалиги раҳбари А. Ўсаров ўз маблағи ҳамда банкнинг 60 миллион сўмлик кредити асосида чорвачиликни йўлга қўйди.

Эндиликда хўжалик томонидан аҳоли дастурхонига сабзавотдан ташқари, сут маҳсулотлари ҳам етказиб берилади.

— Яқинда Эстониядан наслли қорамоллар олиб келдик, — дейди у. — Жорий йил охиригача яна харид қилиш ҳаракатидамиз. Бу ниятимиз амалга ошса, сут ишлаб чиқариш ҳажми йилига 30 тоннага етади.

Умуман, 2016 йил якунигача Жиззах вилоятида қорамоллар сонини 860 минг бошга етказиб, гўшт етиштиришни 184 минг, сут ишлаб чиқаришни 532 минг тоннадан ошириш мўлжалланмоқда.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ипакдан харидоргир буюмлар

**Бухоро**

Қоровулбозор туманидаги "Наргиз Баҳор" масъулияти чекланган жамиятида янги турдаги уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ўн еттитага етди.

— Фаолиятимизни бундан беш йил аввал уч нафар ишчи билан бошлагандик, — дейди корхона раҳбари Наргиза Воҳидова. — Айни дамда жамоамиз аъзолари сони ўн уч нафарга етди. Шу йилнинг дастлабки ярмида буюртмачиларга 300 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришни режалаштираяпмиз. Бундан ташқари, чет эллик буюртмачилар учун ипакдан харидоргир буюмлар тайёрлашга қаратилган бизнес-лойиҳани амалга оширамиз. Шу тариқа ташқи бозорга чиқишни ҳам мўлжалламоқдамиз.

Ҳозирги вақтда Бухоро вилоятида 12,5 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаяпти. Соҳанинг бандликдаги улуши 77,1 фоизни ташкил қилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Журналистлар малака оширди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови давлат ҳамда жамият қурилишининг барча жабҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, шунингдек, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитга тўғри келаётгани унинг ҳар бир иштирокчисидан пухта билим ва юксак масъулиятни талаб этади. Шу боис семинарда сенаторлар, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Савдо-саноат палатаси ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар мутахассисларининг маърузаларига кенг ўрин берилди.

Юртимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қатнашчилар томонидан алоҳида қайд этилди. Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган устувор вазифалар асосида қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган қоидаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда фуқаролар йиғинларига бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловни мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ғоят муҳим омили сифатида очиқлик ва ошкоралик принциплари асосида ташкил этиш, сайлов жараёнига аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун шарт-шароитлар яратилганига алоҳида эътибор қаратилди. Айни чоғда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга, — дейди Қорақалпоғистон Республикасидаги "Оқманғит тонги" газетаси муҳаррири Абдумалик Хўжаназаров. — Биз, журналистлар бўлажак сайловнинг аҳамиятини, ҳуқуқий асосларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, унинг очиқ-ошкора ўтиши ҳамда юксак ишчанлик ва ахлоқий фазилатларга эга, муносиб фуқаролар сайланишини таъминлашга арзирли ҳисса қўшишимиз лозим. Бу борада бизга семинар чоғида олган соҳага оид билимлар қўл келади. Ҳозирданоқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир таҳлилий, профессионал даражада тайёрланган материаллар бериб боришга киришдик.

Икки кунлик ўқув-семинар чоғида иштирокчилар сайловда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари тўла таъминланиши учун яратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳамда сайловни ўтказиш бўйича белгиланган тартиб-тамойиллар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишди.

— Тадбир давомида ўтказилган назарий машғулотлар бизнинг сайлов жараёнидаги фаолиятимизда асқатади, — дейди Хоразм вилоятидаги "Камолот пресс" газетаси муҳаррири Ромон Отажонов. — Хусусан, мавзу бўйича таҳлилий мақолалар тайёрлаш, ахборотдан фойдаланиш, респондентларни жалб қилиш, интервью ташкил этишга бағишланган маҳорат дарслари келгуси фаолиятимизда ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Бундан ташқари, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича тўпланган тажриба ҳақида газета, телевидение, радио ва бошқа ОАВ вакиллари билан фикрлашиб олдик.

Журналистларнинг фуқаролар йиғинлари сайлови билан боғлиқ билим ва малакасини оширишга қаратилган бундай тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этилмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## саноат тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уларнинг фикрича, ҳозирги кунда мазкур корхоналарда еттита лойиҳа рўёбга чиқарилаяпти. Бунинг натижасида эса йилига 30 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 6 миллион кубометр табиий газ иқтисод қилиниши кутилмоқда. Агар республикамиз бўйича 32 та саноат корхонасида 81 лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинаётгани назарда тутилса, ҳисоб-китобларга кўра, уларда йилига 539 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳамда 252 миллион кубометр табиий газ тежалишига мустаҳкам пойдевор яратилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, бу ишлар 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари дастури ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

— Ушбу лойиҳа доирасида корхонамиздаги бешта 800 кВт кучланишли мотор ўрнига 630 кВт қувватга эга янги ускуналар ўрнатилди, — дейди "Аммофос Максам" акциядорлик жамиятининг Инвестиция бошқармаси бошлиғи Икром Мамасолиев. — Бунинг учун умумий қиймати 304,43 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилган бўлса, шундан 243,54 минг доллари Халқаро тараққиёт уюшмаси, 60,89 минг доллари эса "Ўзсаноатқурилишбанк" сармояларидир.

Вентиляторларни айлантиришга мўлжалланган мазкур моторлар "Аммофос 2" цехига ўрнатилган. Вентиляторлар эса донадорлаш-қуритиш аппаратидан газларни сўриб олиш ва уларни тозалаш вазифасини бажаради. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, янги моторларнинг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти катта. Энг муҳими, бу билан корхонамизда тежамкорликка эришилаяпти. Аниқроғи, илгари бир йилда 24840000 киловатт-соат электр энергияси сарфланар эди. Эндиликда бу кўрсаткич 19561500 киловатт-соатни ташкил этмоқда. Яъни самарадорлик 21 фоиздан зиёд, тежаладиган маблағ эса 778,6 миллион сўмдан кўпроққа етказилди.

Бундай ижобий кўрсаткичларни "Максам Чирчиқ" акциядорлик жамиятида ҳам кузатиш мумкин. Корхона раҳбари ўринбосари Ниғмат Исроиловнинг қайд этишича, бу ерда жорий йилда лойиҳа доирасида 849 минг долларлик модернизациялаш ишлари амалга оширилади. Бунинг эвазига 3 миллион 960 минг кубометр табиий газ иқтисод қилинади.

Маълумки, кончилик ва металлургия саноати иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Кейинги йилларда юртимизда бу соҳаларга қаратилаётган эътибор туфайли тизимдаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти тобора ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йили мазкур жамиятда ҳам иккита лойиҳа рўёбга чиқарилди. Яъни комбинатнинг мис бойитиш фабрикаси, рух ва мис заводлари станцияларида техник ва технологик янгиланиш тадбирлари бажарилди. Пировардида бир йил ичида 12,5 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди.

Бундан ташқари, комбинатда 2016-2017 йилларда Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси асосида яна учта лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилаяптики, бу ҳам келгусида 48 миллион киловатт-соат электр энергияси, 17,4 кубометр табиий газ ва 11,4 миллиард сўм маблағни иқтисод қилиш учун замин яратади.

Энергия самарадорлигини юксалтириш тадбирлари "Ўзпахтаёғ" акциядорлик жамиятига қарашли "Тошкент ёғ-мой комбинати" акциядорлик жамиятида ҳам татбиқ этилди. Бу ерда "Ўзоғирсаноатлойиҳа" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида янги буғ қозонлари ўрнатилиб, сув, газ қувурлари ва бошқа муҳандислик тармоқлари уланди. Бунинг натижасида 30 фоиз энергия ресурси тежаладиган бўлди.

"Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси доирасида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредити эвазига 1200 та қуёш батареяси ва чироғи келтирилган.

Маълумотларга кўра, бунинг натижасида бир йилда 3,5 миллион киловатт-соат электр энергияси ёки электр қуввати учун сарфланадиган 648,2 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш таъминланади.

Тизимдаги "Ўзбекистон" пахта тозалаш корхонасида ҳам бу борада юқори самарадорликка эришилаяпти. Тайёр маҳсулотларнинг 87 фоиздан ортиғи "олий" ва "яхши" синфларга мансуб бўлаётгани шундан далолат беради. Қолаверса, корхонада ISO халқаро стандартлари талабларига мос сифат менежменти тизими жорий этилган. Корхона раҳбари Акмал Шердоновнинг қайд этишича, бу ерда ўрнатилган 12 та қуёш батареяси ва чироғи электр энергиясини тежаш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз озиқ-овқат саноатида "Бектемир экспериментал спирт заводи" акциядорлик жамиятининг муносиб ўрни бор. Кейинги йилларда бу корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш орқали тежамкорликка эришиш учун Жаҳон банки иштирокида газни тозаловчи янги технологик линия олиб келинди. Ҳозирги кунда ушбу дастгоҳ ёрдамида жаҳон стандартларига мос газ тайёрланмоқда.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлиги, шунингдек, республикамиз тижорат банклари иштирокида саноат корхоналарида рўёбга чиқарилаётган янги лойиҳалар ишлаб чиқариш субъектларида юқори самарадорликка эришиш баробарида, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Ташқи бозор учун рақобатдош маҳсулотлар

Қашқадарё вилоятида ташқи бозор учун харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтириш, уларнинг рақобатдошлигини ошириш, экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижада 2015 йилда қарийб 20 миллион АҚШ доллари миқдорида товарлар экспорт қилинди. Уларнинг орасида микрокальцит, қовун уруғи, каврак шираси каби янги турдаги маҳсулотлар борлиги, айниқса, эътиборлидир.

**ИСЛОҲОТ**

Маълумки, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда мазкур жамғарманинг Қашқадарё филиали томонидан корхоналарнинг ўз маҳсулотларини ташқи бозорда сотишга доир имкониятлари ўрганилиб, экспорт салоҳиятига эга корхоналар базаси шакллантирилди. 2015 йил давомида 57 корхонага маҳсулот ва хизматларини намойиш этиш учун ўн турдаги намунавий тижорат таклифлари жўнатилди. Натижада 39 корхонадан мурожаатлар қабул қилиниб, шулардан 19 тасига салкам 16 миллион АҚШ долларилик маҳсулотларини хорижга чиқариш бўйича юридик, ташкилий ва молиявий жиҳатдан кўмаклашилди. 150 нафардан ортиқ тадбиркорларга эса ушбу жараёнда яратилган имтиёзлар ва ташқи бозор маркетинг тадқиқотлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Бундан ташқари, филиал кўмагида Деҳқонобод туманидаги "Нур Азиз Импекс" МЧЖ 15 тонна доривор (каврак) ўсимликни қайта ишлаган ҳолда, қиймати 240 минг АҚШ долларилик, Касби туманидаги "Касби тинчлик плюс" масъулияти чекланган жамияти эса мавсумда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 120 минг АҚШ долларилик шартномалар имзолади. Китоб туманидаги "Вигет Импекс" фермер хўжалигига эса май-июнь ойларида гилос ва олхўрини чет элга чиқариш мақсадида 250 миллион сўмлик фоизсиз маблағ ажратилди. Пировардида ушбу фермер хўжалигида қиймати қарийб 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мевани хорижга сотиш имконияти яратилди.

Филиалимиз томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани ўз натижасини бераяпти. Шундан келиб чиқиб, бундан буён ҳам мазкур йўналишда тизимли чора-тадбирларни амалга ошираверамиз.

**Абдулла ҒАФФОРОВ,**
**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё филиали директори.**

XALQ BANKI

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!*

## АТ Халқ банки

**электрон рақамли имзо калитларининг криптографик ҳимоясини таъминловчи дастурий воситалар хариди ҳамда ўрнатиш, созлаш хизматлари бўйича танлов эълон қилади.**

1. Танлов савдоларида хорижий ва маҳаллий фирмалар, ташкилотлар, шунингдек, таклиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи ва/ёки уларнинг авторизациясига эга бўлган ташкилотлар қатнашишлари мумкин.
2. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ҳамда телефони:
   Акциядорлик тижорат Халқ банки,
   100000, Тошкент шаҳри,
   Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
   Телефонлар: (+99871) 120-17-90, 120-17-48.
   E-mail: marketing@xb.uz
3. Танлов мақсади — электрон рақамли имзо калитларининг криптографик ҳимоясини таъминловчи дастурий воситалар хариди ва ўрнатиш ҳамда созлаш хизматлари бўйича.
4. Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда, ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 14 апрель куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Тақдим этилган тижорат таклифлари танлов шартларига жавоб бермаган тақдирда, ушбу ташкилотлар мазкур танловда иштирок этмайди.

540R/130

Хизматлар лицензияланган.

XALQ BANKI

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!*

## АТ Халқ банки

**2016 йилги фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш мақсадида халқаро аудиторлик компаниялари ўртасида танлов эълон қилади.**

1. Танловда танлов асосида танлаб олинган, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
2. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони:
   Акциядорлик тижорат Халқ банки,
   100000, Тошкент шаҳри,
   Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
   Телефонлар: (+99871) 120-17-49, 120-17-48.
   E-mail: marketing@xb.uz
3. Танлов мақсади — Халқ банкининг 2016 йилги фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш мақсадида халқаро аудиторлик компаниясини аниқлаш.
4. Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари (аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензияси ва нархлари алоҳида конвертда, ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 14 апрель куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Тақдим этилган тижорат таклифлари танлов шартларига жавоб бермаган тақдирда, ушбу ташкилотлар мазкур танловда қатнашмайди.

539R/130

Хизматлар лицензияланган.

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2016 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2015 йил 21 сентябрдаги 11-1432/5981-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, 0001-литердаги (блок А) қурилиши тугалланмаган бино (6-қаватдан 16-қаватгача), ҳар бир қаватда 4 тадан хонадон, жами 33 та хонадон, яъни 6-қаватда шартли белгиланган 13 ва 15-хонадон, 7-қаватда шартли белгиланган 20-хонадон, 8-қаватда шартли белгиланган 22, 23 ва 24-хонадон, 9-қаватда шартли белгиланган 27 ва 28-хонадон, 10-қаватда шартли белгиланган 31 ва 32-хонадон, 11-қаватда шартли белгиланган 33, 35 ва 36-хонадон, 12, 13, 14, 15 ва 16-қаватлардаги шартли белгиланган барча хонадон.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 98 627 375 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 2472-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулов номидаги ҚФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий ер майдони 628,07 кв.м., ер майдони 0,688 гектар бўлган, қурилиши тугалланмаган уй.

***Бошланғич баҳоси — 194 592 240 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (0-371) 233-09-38.**
**Ички телефон: 258.**

535A/243

Хизматлар лицензияланган.

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 15 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Ангор тумани СИБ томонидан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончаси ва Ангор тумани СИБ ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* ЖИБ Ангор тумани судининг 2015 йил 20 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 19 G 85-19.

***Бошланғич баҳоси — 3 499 200 сўм.***

* ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 13 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80 Х» русумли трактор, давлат рақами СН 45-97.

***Бошланғич баҳоси — 23 473 800 сўм.***

* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80 ХА» русумли трактор, давлат рақами СМ 98-30.

***Бошланғич баҳоси — 25 806 600 сўм.***

* ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 2 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган,1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 W 149 CA.

***Бошланғич баҳоси — 6 378 542 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2016 йил 15 апрелдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 3 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 3 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 29 майдаги 19-1507/6096-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 9-«А» уй ҳамда Собир Термизий кўчаси, 9-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Midibus SAZ NP37» русумли, давлат рақами 75 505 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Midibus SAZ NP37» русумли, давлат рақами 75 734 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Midibus SAZ NP37» русумли, давлат рақами 75 518 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Midibus SAZ NP37» русумли, давлат рақами 75 508 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Midibus SAZ NP37» русумли, давлат рақами 75 736 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Midibus SAZ NP37» русумли, давлат рақами 75 501 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Midibus SAZ NP37» русумли, давлат рақами 75 935 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ҳамда қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

533R/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

**Гувоҳнома № 004059.**

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 апрелдаги 11338-39/8/25/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м. бўлган, 5 та яшаш хонаси ва 4 та ёрдамчи хонадан иборат кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 182 371 860 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда 2016 йил 15 апрель куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги МФО: 00445, СТИР: 302269399, 20208000104975228001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион ғолиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 5 банк куни мобайнида кўчмас мулк ҳақини тўлиқ тўлаши лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55.**

534R/609

Хизматлар лицензияланган.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Тошкент минтақавий филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 9 ноябрдаги 10-1515/17767-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ, Ҳосилдор кўчасидаги 6062,60 кв.м. ер майдонида жойлашган, умумий майдони 82 кв.м. бўлган маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 421 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 15 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел./факс: (0-371) 228-78-96.**
**www.1kms.uz E-mail: rieltsavdo@inbox.uz**

537A/180

Хизматлар лицензияланган.

YARAN AUDIT

## «Yaran Audit» МЧЖ
### аудиторлик ташкилоти

**хусусий секторларга қуйидаги аудит хизматларини кўрсатади:**

- молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини текшириш;
- қайта тиклаш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
- солиқ ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 4-квартал, 1-уй, 2-хонадон.**
**Тел.: (0-371) 271-11-34, (+99891) 162-01-47.**
**www.yaran.uz**

Хизматлар лицензияланган.

427A/159

## GRUZSHINA.UZ

## КЎП ТУРДАГИ АВТОШИНАЛАР




**Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.**

**Тел.: (+99871) 250-07-40.**
**Факс: (+99895) 170-32-52.**

53R/7

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ МАРКАЗИ

**ГЛОБАЛ ЖАМҒАРМА ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ГУРУҲИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- профилактика ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи;
- мониторинг ва баҳолаш бўйича мувофиқлаштирувчи;
- ўқитиш ишлари бўйича мутахассис (0,5 ставка);
- даволаш иши бўйича мувофиқлаштирувчи;
- ОИВ инфекциясини юқтиришга мойил гуруҳлар орасида профилактика бўйича мутахассис (2 киши);
- профилактик дастурлар бўйича мониторинг ва баҳолаш мутахассиси;
- даволаш компоненти бўйича мониторинг ва баҳолаш мутахассиси;
- даволаш иши бўйича мутахассис;
- тестдан ўтказиш сифатини назорат қилиш бўйича мутахассис (0,5 ставка);
- котиб(а)/таржимон;
- кадрлар бўйича мутахассис (0,5 ставка);
- халқаро доирадаги лойиҳаларда иш тажрибасига эга ҳуқуқшунос (0,5 ставка);
- молиявий масалалар бўйича мувофиқлаштирувчи;
- суб-реципиентлар борасида мониторинг қилиш бўйича молиявий мутахассис;
- халқаро доирадаги лойиҳаларда иш тажрибасига эга молиявий мутахассис;
- молиявий ёрдамчи/кассир;
- ахборот технологиялари бўйича мутахассис;
- харид қилиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи;
- харид қилиш масалалари бўйича мутахассис;
- дори воситалари ва тиббий анжомларни сақлаш бўйича мутахассис;
- тақсимот ишлари бўйича мутахассис;
- камида 5 йил иш стажига эга ҳайдовчи (В, С тоифасидаги);
- камида 5 йил иш стажига эга ҳайдовчи/экспедитор (В, С тоифасидаги) (2 киши).

Ўзбекистон Республикаси ОИТСга қарши кураш марказида танлов комиссияси тузилган. Танловда қатнашиш истагидагилар резюмеларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 12-уй, Ўзбекистон Республикаси ОИТСга қарши кураш маркази биноси, 6-қават, Мустафаева Дилдора Асатовнага.**

**Резюме тақдим қилиш муддати — 2016 йил 30 мартдан 29 апрелгача.**

Резюме ёпиқ/муҳрланган конвертда, конверт устида буюртма қайси лавозим учун берилаётганлиги кўрсатилган ҳолда тақдим этилади. 2016 йил 29 апрель куни соат 18.00 дан кечиккан буюртмалар кўриб чиқилмайди.

**Юқорида кўрсатилган лавозимлар учун белгиланган техник вазифалар билан www.spid.uz веб-сайтининг лойиҳалар бўлимида танишиш мумкин.**

510A/216

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

● Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та хонадан иборат уй-жой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 203 811 913 сўм.***

● ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 2013 йил 26 декабрдаги 1-578-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Чикризов кўчасида жойлашган, ер майдони 0,50 гектар, қурилиш ости майдони 850,0 кв.м.дан иборат бўлган, икки қаватли, ертўлали, қурилиши тугалланмаган бино.

***Бошланғич баҳоси — 372 828 744 сўм.***

● Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 декабрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

— Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат бўлган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.***

— Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61, 63-уйда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 19 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

538A/6

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Фольклоршунослик бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Маматқул Жўраевга онаси

**Шарофат МУРОДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Анестезиология ва реаниматология кафедраси доценти Улуғбек Ботировга онаси

**Маҳфират БОТИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# БАХТ МАНЗИЛИ

*Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди.*

**Ислом КАРИМОВ**

## «...Жонки санга фидо бўлубтур»

Инсоният ҳаёти эркак ва аёл бутунлигида барқарор, бардавомдир. Шунга кўра, жамият тараққиётида эркаклар қанчалик муҳим роль ўйнаса, аёллар ҳам шунчалик аҳамиятли ўрин тутади. Жумладан, Алишер Навоий аёлни "ҳусн шоҳи" дея улуғлайди, уни қадрлаганларга юз жонини фидо қилмоққа аҳд айлаб, ошиқона жўмардликни ҳадди аълосига кўтаради:

***Ишқ ичра анинг фидоси юз жон***
***Ҳар жонки санга фидо бўлубтур.***

"Маҳбуб ул-қулуб" — Алишер Навоийнинг ҳаётий ва ижодий тажрибалари якуни, хулосалари жавҳари мужассамлашган асар. Китобнинг "Кадхудолиғ сифати ва хотунлар зикрида" деб номланган фаслида аёллар хусусида сўз боради. Худди ана шунинг ўзиёқ Алишер Навоий аёлларни жамиятнинг муҳим бўғини, аҳамиятли тоифаси, деб билганидан далолат беради. Шоир ўз даври кишиси сифатида, эркак зотининг жамиятдаги фаоллиги, давлат ва мамлакатга қиладиган хизмати микёси аёлга боғлиқ, деб ҳисоблайди: "Мувофиқ тушса кадбону, давлат ва жамиятга бўлмоқдурур ҳамзону". Агарда аёл оқила бўлса, турмуш ободлиги ундан: ҳаётдан жафо етганда яхши аёл — дўсту ҳамдам, тақдирдан балолар юзланганда — ғамдошу ҳамнишин, улар фаришталарга яқин турадилар, бундай аёлга йўлдош, турмушдош бўлиш саодат, тақдирнинг мубораклиги нишонасидир — Навоий оқила аёлларни мана шундай улуғлайди.

### Эҳтиром

Шубҳасиз, аёл учун энг улуғ мартаба — оналик. Ўтмиш адабиётимизда бу рутба ҳам баланд пардаларда васф этилган. Алишер Навоий онани "розиқи марсум", яъни "қонуний ризқ берувчи" дея шарафлайди. Унинг насиҳатномаларида "Бошни фидо айла ато бошиға, Жисмни қил садқа ано қошиға", ота ва онани тенг тутиб айтилган "Бу икининг хизматини бир бил, Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил" қабилидаги гўзал ўгитлар бор. Шоир яна бир ўринда она сиймосини беҳад юксалтириб, "Ано ўрнин ато тутмас ўғилға, ...Ки имкон йўқтурур бўлмоқ аносиз" деб ёзади."Арбаъин"да эса ҳадисларга таяниб, "Жаннат боғлари оналарнинг оёғи остидадир. Жаннат боғларини кўришни истасанг, онанинг оёғи остида тупроқ бўлгил" дея уқтиради.

Булар уммондай муаззам Алишер Навоий ижод оламининг аёлларга эҳтиромидан айрим сатрлар, холос. Бинобарин, жорий йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани ҳам бобокалонларимизнинг эзгу орзуларига ҳамоҳанглиги билан бениҳоя қадрлидир.

**Нодира АФОҚОВА,**
**филология фанлари доктори.**

## Бири кашфиётчи, бири раҳбар, бири жаҳонга танилган...

*Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчлиги ва фароғати ёшларнинг яхши тарбиясига асосланади. Шу маънода, Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келинаётгани бежиз эмас. Зеро, халқимиз Ватанимизнинг юксак тараққиётини, унинг порлоқ истиқболини суюкли фарзандларимиз қиёфасида, баркамол ёш авлод тимсолида, уларнинг яратувчанлик кучида кўради.*

Ўйлаб кўринг, илгари болаларимизнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор, ғамхўрлик кўрсатилган, дея оламизми? Яқин ўтмишни ёдга олсак, бу саволимизга жавоб топилади. Мактабимизнинг хароб аҳволидан хижолат чекардик. Махсус синфхоналар ҳақида орзу қилиб ҳам бўлмасди. Шундай шароитда икки босқичда дарс берардик. Бахтимиз шуки, истиқлол йилларида бундай манзараларга бутунлай барҳам берилди.

### Фахр

Фарзандларимиз тарбияси ҳақида сўз юритганда, албатта, бу масаланинг муҳим жиҳати бўлган спортни тилга оламиз. Чунки соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда унинг ўрни беқиёсдир. Шу ўринда бир мисол. 9-синф ўқувчиси Ширин Раҳимова спортнинг шотокон каратэ-до тури бўйича нафақат ўзимизда, қатор халқаро мусобақаларда ҳам юқори натижаларга эришиб келаяпти. Етти карра Ўзбекистон, уч бор жаҳон чемпиони бўлди. Спорт усталигига номзод. Ўтган йили дунё биринчилигида қатнашиб, битта кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритди. 2015 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди. Унга ўхшаган фарзандларимиз кўп.

Бугунги авлод мустақил юртда ҳеч кимдан кам бўлмай камол топмоқда. Уларнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, дунёқараши, интилишлари ҳам шунга яраша юксак даражада. Бири тадбиркор, бошқаси кашфиётчи, яна бири йирик корхонада иш юритувчи, қанчадан-қанчаси эса жаҳонга танилган спортчи. Улар билан бирга қувониб, болаларимизнинг баланд парвозидан ифтихор туямиз.

**Анор МАҲМУДОВА,**
**Гурлан туманидаги 5-мактаб директори,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

### Эътироф

**Золтон ШОМОГИ,**
**БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижрочи директори:**

— Ўзбекистон — беқиёс имкониятлар мамлакати. Бу фикрни бугун дунё жамоатчилиги ҳақли равишда бот-бот эътироф этмоқда. Чиндан ҳам, мустақил тараққиёт йўлидан дадил бораётган юртингиз барқарор иқтисодиёти, илм-фан, таълим, маданият, спорт, қўйингки, ҳар бир соҳада эришаётган ютуқлари билан ана шундай таърифга муносиб эканини исботламоқда.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда ўтказилган тадқиқот якунлари бўйича тузилган рейтингда Ўзбекистон 158 мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо республикалар орасида эса биринчи ўринни эгаллади.**

## ФАКТ ВА рақамлар

● Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 — 12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар микдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

● **2015 йилда бу соҳада 384 та объектнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 та янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 та мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди.**

● Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2 минг 200 талабага мўлжалланган янги замонавий ўқув корпуси, спорт мажмуаси, шунингдек, ўқув жараёнига жалб этилган хорижлик мутахассислар учун меҳмонхона барпо этилди. Навоий давлат кончилик институтида янги ўқув биноси қурилиши ниҳоясига етказилди.

● **Биз учун бебаҳо бойлик бўлган халқимизнинг соғлиғини сақлаш мақсадида 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди.**

## Шодлик ва ободлик қишлоқлари

*Инсон бахтли яшашга интилади. Жамиятда тинчлик-фаровонлик ҳукм сурса, айниқса, одамлар иқболи учун ҳамма шароит яратиб берилган бўлса, ушбу эзгу мақсад, албатта, рўёбга чиқади. Юртимизда ана шу омилларнинг барчаси мужассам. Ҳалол меҳнат қилиб, рўшноликка эришаман, деган киши учун имкониятлар етарли.*

Фикримиз тасдиғи учун Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кўркам уйларни мисол сифатида келтириш мумкин. Зеро, ана шундай турар-жойларга кўчиб ўтиб, турмуши янада фаровон бўлаётган оилалар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Нукус туманидаги Саманбой қишлоғининг қиёфаси бугун кўркам шаҳарчага ўхшайди. Чунки ушбу фуқаролар йиғини ҳудудидаги Узункўл мавзесида қурилган 515 та замонавий янги уй шодлик ва ободликка бурканган қишлоққа ўзгача чирой бахш этиб турибди.

Қувонарлиси, Соғлом она

### Қувонч

ва бола йилида ушбу хонадонлардан биттаси бизнинг оиламизга насиб этди. Кенг ва ёруғ тўрт хонали, иссиқ ва совуқ сув, томорқа ери бор, хуллас, барча шароит муҳайё қилинган уйга кўчиб ўтиб, шодликдан бошимиз осмонга етди. Айниқса, икки жажжи ўғлимнинг қувонганини айтмайсизми?! Чунки янги уйимизда улар учун алоҳида хона бор.

Яна бир қулайлик, хонадонимиз жойлашган маскандан Нукус шаҳри марказига ўн беш дақиқада етиб олиш мумкин. Шундоқ олдимиздаги автомобиль йўлидан йўналишли таксилар ғиз-ғиз қатнаб турибди.

Айтиш жоизки, бугун Юртбошимизнинг беқиёс ғамхўрлиги туфайли нафақат шаҳарларда, олис қишлоқларда ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Ана шундай эътибор туфайли банкдан 70 миллион сўмлик кредит олиб, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган оилавий корхонани ташкил этдик. Беш киши доимий иш билан таъминланган корхонамизда кунига 500-600 килограмм маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга етказиб берилмоқда.

Қисқаси, буларнинг барчаси юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижасидир.



**Жасур МАҲМУДОВ,**
**тадбиркор.**
Нукус тумани

## Ҳар чаманнинг боғбони бор

*...Ҳар оқшом қишлоғимиз кўчалари бўйлаб сайр этишни хуш кўраман. Турнақатор қад ростлаган кўшқаватли сервис шохобчалари одамлар билан гавжум. Замонавий стадионда болаларнинг "қий-чуви" авжида. Муҳташам маросимлар залида эса тўй-тантана. Демак, яна бир юртдошимиз ўғил уйлантириб, орзу-ниятига етмоқда.*

Яна бир оз яёв юрсангиз, кўркамгина бинога дуч келасиз. Бу 62-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати. Билим даргоҳининг ётоқхонасида чироқ тунга қадар ўчмайди: ўқувчилар эртанги дарсга тайёргарлик кўришади. Китоб ўқишади. Дарвоқе, бу масканда нафақат Бухоро, балки қўшни вилоятлардан келган ўғил-қизлар ҳам таҳсил олади.

Ана шу манзараларни кўриб, кўнгилда шукроналик ҳиссини туяман. Ўз-ўзимга: "Ўзбекистон бежиз дунёнинг энг бахтли мамлакатлари қаторидан ўрин олмаган" деб қўяман.

Тинч ва осойишта юртда яшашнинг ўзи катта бахт. Буни биз, кўпни кўрган кексалар яхши биламиз. Оила даврасида, тўй-маъракаларда ёшларга насиҳат қила туриб, шу кунларга етказганига шукрона айтамиз.

### Шукрона

Ёшлар ҳақида шунчаки сўз очмадим. Касбим педагог эмасми, кузатганим шу: ҳар бир бола ниҳолдек гап. Қаёққа эгсангиз, ўша томонга қараб ўсади. Шундан келиб чиқсак, Соғлом она ва бола йили дегани жуда кенг тушунча. Ўғил-қизларимиз, невараларимиз жисмонан соғлом, ақлли, дунёқараши кенг, эс-ҳушли бўлиб вояга етса, ҳаётимиз янада фаровон, жамиятимиз мустаҳкам бўлади. Ўзимизни янада бахтлироқ ҳис этамиз. Қолаверса, давлатимиз бунинг учун ҳеч нимани аямаяпти. Президентимиз ёшларимизни менинг болаларим, деб уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаяпти. Мана бир мисол. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 — 12 фоизни ташкил этаяпти. Бу ЮНЕСКОнинг тегишли тавсияларидан қарийб икки бараварга кўпдир. Бунинг замирида фарзандларимизнинг ўқишлари, ҳунар эгаллашлари, спорт билан шуғулланишлари, вақтларини сермазмун ўтказишлари учун яратилган қулайликлар мужассам, албатта.

Шулар ҳақида ўйларканман, бугунимиз фаровон, эртанги кунимиздан кўнглимиз тўқлигидан хурсанд бўламан. Зеро, ҳар чаманнинг ўз боғбони бўлганидек, ўсиб келаётган фарзандларимиз ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишларига шубҳамиз йўқ.

**Ҳаким РАЖАБОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
Ғиждувон тумани,
Ғаждумак қишлоғи

### Эътироф

**Ричард ХАРВИ,**
**"Ист Англия" университети Лондон бўлими декани (Буюк Британия):**

*— Касбим тақозосига кўра, кўп мамлакатларда бўлганман, манаман, деган шаҳарларни томоша қилганман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ва мафтункор. Аммо Ўзбекистоннинг жозибаси, юртингиз аҳолисининг бири-бирига муносабати бошқача экан.*

*Қаердаки, тинчлик-осойишталик ҳукмрон, одамлар эса ҳаётидан мамнун ва рози бўлса, ўша ерда ривожланишга, ҳар томонлама тараққиётга эришилади. Шу маънода, Ўзбекистондаги осуда ҳаёт, қўлга киритилаётган юксак марраларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6